


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**“МУҲАНДИС ТЕХНИКА” ФАКУЛЬТЕТИ**  
**ҚХТ 245 ГУРУҲ ТАЛАБАСИ ЖЎРАЕВА ФЕРУЗАНИНГ**  
**“МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ” ФАНИДАН**  
**“ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ**  
**АСОСЛАРИ” МАВЗУСИДА ТАЙЁРЛАНГАН**



**Қабул қилди:**

**Очилова Г.**

**Қарши - 2015**

**Мавзу: Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асослари.**

**Кириш.....2-3**

**Режа:**

**1. Фуқаролик жамияти тушунчалари.....4-13**

**2. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини юзага келишини тарихий ва бугунги талқини.....13-24**

**3. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” ваколатини янада кенгайтириш – Фуқаролик жамиятини юксалтиришнинг муҳим шарти.....25-32**

**Хулоса.....33-34**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....35**

## Кириш.

*“Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириши фуқаролик жамиятини шакллантириши, демократлаштириши ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришида ҳеч бир муболағасиз ҳал қилувчи омил эканини, ўйлайманки, кимгадир уқтириб ўтиришига зарурат бўлмаса керак”. И. А. Каримов.*

Ўзбекистонда давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини эркинлаштириш, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш вазифаларини амалга оширишда ҳар бир ёшнинг жамиятда ўз ўрни бўлишини билиш, энг муҳими, ўзнинг жамиятнинг ажралмас қисми деб тушуниши улкан аҳамият касб этади. Бу ўз маъсуллигини англашга эришишда мавжуд демократик институтлар, ўз-ўзини бошқариш органлари, партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари муҳим ўрин тутди. Чунки, жамиятда яшаётган ҳар бир ёшнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти мавжуд сиёсий институтлар, партиялар ёки нодавлат ва жамоат ташкилотлари орқали амалга ошириладиган демократик сиёсий жараёнларда акс этади.

Фуқаролик жамияти давлатга турли шаклларда қарама-қарши турувчи, алоҳида ижтимоий макондан иборат эмас. Аксинча, фуқаролик жамияти ва давлат бир-бири билан қатор структуравий алоқалар билан боғланган бўлиб, давлат ижтимоий ҳаётда бошқарувчи-воситачилик функциясини бажарар экан, у фуқаролик қадриятлари ва институтлари билан кесишмасдан иложи йўқ, чунки улар горизонтал системаси орқали барча ижтимоий муносабатларни қамраб олади. Бундан ташқари қатор ижтимоий элементлар ва институтлар маргинал ҳолатни эгаллайди, қисман давлат структуралари билан, қисман эса – фуқаролик жамияти билан кесишади.

Мазкур муаммоларни чуқур ўрганиш орқали фуқаролик жамияти институтларини жамият тараққиётидаги ўрни қандай бўлиши, уларнинг гоёвий ва мафкуравий ишлари нималардан иборат бўлиши, ҳокимият учун

курашда, баъзи мезонларни янада ислоҳ этиш, қонун чиқариш фаолиятидаги дастурларини Президентимиз қўяётган бугунги талаблар даражасига етказиш учун нималарга эътибор бериш керак деган саволларга жавоб топиши даркор. Бу эса, фуқаролик жамияти институтларини янада илмий-назарий, ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиб, бугунги ва эртанги ҳаётимизга мос дастурларни ишлаб чиқишни тақоза этади.

“Давлат – жамиятнинг кўзгуси, жамият қандай бўлса, давлат ҳам шундай бўлади. Давлат жамиятнинг маълум тараққиёт чўққиларига эришишига ёки унинг заифлашишига, ночор аҳволга тушиб қолишига сабабчи бўлади. Яъни давлат жамиятнинг бир қисми ва у билан ҳар томонлама боғлиқ уюшма. Улар ўртасидаги муносабатлар қанчалик ривожланган ва мукамал бўлса, бу давлатга ҳам, жамиятга ҳам ўзаро манфаат ва барқарорлик келтиради. Шу йўл билан кучли жамият қурилади. Маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда маҳаллалар бажарадиган вазифалар бир-бирига яқинлашиб, уйғунлашиб боради”<sup>1</sup>.

Жамоатчилик ғоялари, жамоа манфаатларининг бирлиги, кўпчилик фикрининг устунлигига асосланиш – жамиятимизнинг муҳим хусусиятидир. Шу боис жамиятни демократиялаш тизимида, унинг асосий қоидаларини, энг аввало ижтимоий адолатни рўёбга чиқаришда фуқаролик жамиятининг роли ғоят каттадир. Шу боис ўта муҳим ижтимоий муоммаларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтлари ролини бундан буён ҳам бутун чоралар билан ошириш, уларни зарур моддий воситалар билан ишончли даражада мустаҳкамлаш лозим.

Шундан келиб чиқиб фуқаролик жамиятини назарий-илмий, амалий жиҳатларини янада мукамал ўрганиб чиқишни тақоза этади.

---

<sup>1</sup> И. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т. 2000-й 223-бет.

## 1. Фуқаролик жамияти тушунчалари.

Инсоният чиндан ҳам ўзининг узоқ тарихи мобайнида ҳали кўпчилик орзу қилган ҳуқуқий-демократик давлат, одил фуқаролик жамиятининг мукамал шаклини ярата олгани йўқ. Демократия тамойилларини қарор топтириш, кўп бор таъкидлаганидек, чиндан ҳам мураккаб масала. Айниқса, бу узоқ вақт тоталитар тузум асоратида яшаган ва ҳали уни иллатларидан буткул қутила олмаган жамиятда янада мураккаброқ кечади. Фуқаролик жамиятига ўтиш бу кўп босқичли, ҳам сертармоқли жараёндир. Президентимиз, Ислам Каримов таъкидлаганидек, - “Бошлаган барча ислохотларимизнинг пировард мақсади битта – адолатли жамият барпо этиш”<sup>2</sup>.

Фуқаролик, адолатли жамият тушунчалари яхлит, бир бутун тушунчалардир. Инсон ҳуқуқи давлат ҳуқуқидан устуворлиги тамойили биз учун асосий омилга айланиши лозим. Демак, адолатли жамиятда инсон – шу жамият фуқаросининг ҳуқуқи, шаъни, кадр-қиммати кадрланади, қонун-қоидалар воситасида қаттиқ ҳимоя қилинади. Бу табиийки, ўз-ўзидан ёки дарров пайдо бўлмайди. Бу аввало “Халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёниридан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишига боғлиқ. Фуқаролик жамиятни шу жамият фуқароларининг ўзлари шакллантирадилар”<sup>3</sup>. Бу аввало, уларнинг ҳуқуқий билими, тарбияси, маданияти ва онги қай даражада эканлиги билан белгиланади.

Шу ўринда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат тўғрисидаги ғоялар тарихига тўхташ мақсадга мувофиқдир.

Фуқаролар жамияти тўғрисидаги сиёсий ғоялар илк бор эрамиздан олдинги VII асрларда сиёсий воқеълик мақсадини ҳиммат ва жоҳиллик каби қарама-қарши кучларнинг кураши орқали ҳал этган Зардўштийликдир.

---

<sup>2</sup> Каримов И. “Халқ сўзи” 1999 й, 26 январь.

<sup>3</sup> Каримов И. “Халқ сўзи” 1999 й, 26 январь

Ҳиммат жоҳилликка қарши фаол курашишини инсон ҳаётининг мазмун тарзида сиёсий омилга айлантирилди. Ўша замонлардаёқ жамиятга бир оила тарзида қараш, катталарга қулоқ солиш, ижтимоий муносабатларнинг бошқарувчи сиёсий омил – ахлоқ қоидалари негизида ҳал этиш маънавий кадрият ҳисобланар эди.

“**Фуқаролар жамияти**” деган иборани ишлатган зот Томас Гоббс (1588-1679) бўлди. Жон Локк (1632-1704) эса фуқаролар жамиятининг давлатдан имтиёзли эканлигини таъкидлаган. Луи де Монтескье (1689-1755) фуқаролик жамияти зўрлик ва ҳукмронликдан қутилиш гарови эканлигини очди. Эммануэл Кант (1724-1804) фуқаролар жамиятида ҳар бир кишининг эркинлиги бошқалар эркинлигига монанд келиши билан ифодаланишини ўқтириб, қуйидаги принципларни илгари суради: 1) инсон сифатида жамият аъзолари эркинлиги; 2) фуқаро сифатида уларни тенглиги; 3) фуқаро сифатида ҳар бир жамият аъзоларининг мустақиллиги. Гегель (1770-1831) биринчи бўлиб, фуқаролар жамиятига мустақил мавжудод тарзида қарайди ва уни давлат ичида эмас, давлат қаторида талқин этади.

Бизнинг сиёсий кадриятларимиз ўз ғулофига ўралиб қолгани йўқ. Унга қадимги Хитой Мутафаккири Конфуций фуқаролик дунёсининг кадриятлари, юнон донишмандларидан Афлотуннинг идеал давлат, Арастунинг инсонни сиёсий мавжудод сифатида қадирлаши ҳам кириб келди. “Анал ҳақ” – “Мен худо” деган туғёнкор ғояси учун Сукрот ўлимини топган Мансур Халлож ўз даврида фуқаролик жамиятининг маънавий-сиёсий чўққиси сифатида тарихга кирди. Ислом маданиятининг асосчилари ва пешволари Аҳмад Яссавий, Ат-Термизий, Имом Бухорий ва уларнинг минглаб издошлари ҳам халқимизга мансуб мутафаккирлардир. Улар фуқаролар манфаати йўлида ажойиб кадриятларни мерос қилиб қолдирдилар. Оллоҳ олдида шоху гадонинг тенглиги, сахийлик ва бахиллик, ҳалол ва ҳаром, инсоф ва адолат каби ахлоқ қоидаларига мазмун берганлар ҳам шулар эди.

**Жамият** - муайян эҳтиёж манфатларига кўра, бирлашган кишиларни маълум тарзда ташкил топган мажмуасидир. Жамият бирлашишга мойил

бўлган бирликлар, яъни гуруҳлар, синфлар, қатламлардан иборат. Аммо айрим ҳолларда одатда, иқтисоди, сиёсий, миллий, диний манфаатлар асосида “ажрашиш кайфиятлари”га муфтало бўлади. Давлат жамиятининг энг муҳим таркибий элементидир. У жамиятда асосан сиёсий функцияларни бажаради. Жамият билан давлат бир нарса эмас. **“Жамият” тушунчаси “Давлат” тушунчасидан кенгдир.**

**Фуқаролик жамияти** – ҳақиқий фуқаролардан, яъни узвий боғлиқликда бўлган ҳамда ахлоқий маданиятга таянадиган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга одамлардан иборат жамиятдир. Фуқаролик жамияти нафақат давлатнинг мажбурлов кучи билан, балки унинг аъзолари бўлмиш фуқароларнинг ўзлари орқали сақлаб туриладиган ва қатъий тартиб қарор топган жамиятдир. Бундай жамият ўзини-ўзи юксак даражада ташкил этиши билан ажралиб туради. Фуқаролик жамиятига давлатнинг кучли таъсири талаб этилмайди. Давлат бундай жамиятнинг назоратида бўлиши керак, чунки давлат фуқаролик жамиятининг “ёлланма хизматкори”. Зеро, у фуқаролар, корхона ва муассасалардан олинadиган солиқлар ҳисобига мавжуд бўлади. Ушбу жамият нафақат сиёсий, маданий ҳаётини балки иқтисодий, ижтимоий ҳаётини ҳам бошқариб туради.

**Ҳамма жамиятлар ҳам фуқаролик жамияти эмас. Фуқаролик жамияти анча юксак даражадаги ижтимоий ривожланиш кўрсаткичидир.**

*“Маърифатли дунёда “фуқролар давлати” деб гапирилмайди. “Фуқаролар жамияти” дейилади. Давлат – бошқа нарса, фуқаролар жамияти бошқа нарса. Бундай жамиятда давлат ташилотларидан кўра жамоат ташилотларининг қадрли баландроқ туради. Куч ишлатувчи тузилмалар, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият давлат ташилотлари тизимига киради. Шунинг учун ҳам асосий мақсадимиз – бир киши ёки жамоат ташилотларининг фикри давлат тузилмаларининг фикридан устунроқ бўладиган жамияти қуришидан иборат”<sup>4</sup>.*

---

<sup>4</sup> Каримов И. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. –Т., 1996 й. 80 б.

Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар қанчалик мукаммал бўлса, жамият ва давлатнинг функциялари (вазифалари) шунчалик аниқ ажралиб туради. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат уйғунлашиб, жамият ўзининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига оид кўплаб муаммоларни давлатнинг ёрдамсиз (аралашувисиз) ҳал қилади. Фуқаролик жамияти ўзини-ўзи бошқаради ва ҳуқуқий давлат сиёсатига, ундаги ҳуқуқий тизимга ҳал қилувчи таъсир ўтказа олади.

“Демократик жамият – бу, энг аввало фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократияни олий мазмуни – шахслараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч-тотув яшайди”<sup>5</sup>.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришда 1996 йилнинг август ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида Президентимиз Ислон Каримов “Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари мавзусида сўзлаган нутқида жамиятимиз тузилмаларида мувозанатни сақлайдиган кучли оммавий, жамоат бирлашмалари бўлмас экан, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ўзбошимчалик волюнтаризм, авторитар тафаккур ва бошқарув аппаратининг коррупцияси сингари иллатлар пайдо бўлмаслигига жиддий кафолат бериб бўлмаслигини айтган эди”<sup>6</sup>.

*“Фуқаролик жамияти тушунчаси жамият муносабатларида янги босқич бўлиб, фуқароликни чуқур англаган ҳолда, давлат ва жамият қуриш жараёнида, жамиятни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиб, ўз-ўзини бошқаришга ўтиб бориши билан боғлиқ бўлган жамият ривожининг янги сифат ҳолатини билдиради”<sup>7</sup>.*

---

<sup>5</sup> Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. –Т, 1996 й. 363 б.

<sup>6</sup> Каримов И. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Т, 1996 й. 26-27 б.

<sup>7</sup> Джаббарова И. Фуқаролик жамиятининг тарихий ахлоқий асослари. “Фуқаролик жамиятида демократик кадрлар: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. ТДТУ. Т. 2011 й, 38 б.



**Фуқаролик жамияти маъноси шуки**, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифалари халққа топширилади, яъни ўзини-ўзи бошқариш органлари янада ривожлантирилади.

Фуқаролик жамиятини қуриш стратегик вазифа экан, албатта кучли давлатдан кучли жамият сари босқичма-босқич ўтиш зарур. Бунда кучли ҳуқуқий давлат ташқи сиёсат, муҳофаа, давлат ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш, молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш каби умуммиллий вазифаларни амалга оширса, бошқа масалалар билан шуғулланиш мумкин эмас, жойлардаги жамоат ташкилотларига фуқароларнинг ўзини бошқариш органлари зиммасига топширилади.

Фуқаролик жамияти шаклланиши суръатлари бир катор омилларга боғлиқ. Сиёсий, ҳуқуқий омиллар фуқаролик жамияти сари бориш учун сиёсий ва ҳуқуқий асосларни яратса, бу жамиятга қараб боришимиз қанчалик илдам ёки суст бўлиши кўп жиҳатдан ташкилий, маданий ва рухий омилларга боғлиқ бўлади. Айни шу маънода, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов “Тарихимизга кириб келаётган бу буюк марра муносабати билан ўтган давр мобайнида ҳаётимиз сифати, мамлакатимиз қиёфаси қандай ўзгариб бораётгани, қандай ютуқ ва натижаларга эришганимиз, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қандай суратлар билан ривожланиб бораётганимизни баҳолаш эҳтиёжи туғилмоқда”<sup>8</sup>, - деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, бугунги кунда биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга ҳолисона баҳо беришимизга кенг имконият яратди.

---

<sup>8</sup> Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 й. 12 ноябрь. –Т., 3 б.

Фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданиятлари фуқаролик жамияти куришнинг муҳим омиллари ҳисобланди. Бу омиллар қанчалик ривожланган етук бўлса, жамиятнинг илгари силжиши учун шунчалик мустаҳкам яратилади. Лекин илгари силжиш учун таянчнинг ўзи кифоя қилмайди. Ўша таянчга суяниб олдинга одим ташлаш учун муайян куч керак бўлади. Бу куч жамият ва ундаги фуқароларнинг маданияти, маънавияти ва руҳиятига боғлиқдир.

Фуқаролик жамияти муаммолари, “фуқаролик жамияти талабларига жавоб берадиган муносабатлар” доимо назарий, таҳлил, “ижтимоий фанларнинг асосий тадқиқот мавзуларига айланиши даркор”<sup>9</sup>.

Фуқаролик жамияти тушунчаси асосида инсон эркинлиги, унинг барча кўриниш ва муносабатларда намоён бўлиши ғояси ётади. Хусусан, у иқтисодий соҳада хусусий мулкка эга бўлиш, сиёсий соҳада, сиёсий ҳаётда иштирок эта олиш, ҳуқуқий соҳада тенг ҳуқуқлилиқ, ижтимоий соҳада уюшмаларга бирлашиши, диний соҳада – виждон эркинлиги, маданий соҳада – маданий хилма-хиллик, милатлараро ва ирқлараро муносабатларда – миллатлар, ирқларнинг тенглиги ва толерант муносабатта бўлиши, коммуникация соҳасида – ахборотларни эркин айирбошлаш ва сўз эркинлиги, мафкуравий соҳада – ғоявий хилма-хиллик, плюрализм, миграция соҳасида – инсон, яшаш жойини эркин танлаш, руҳий соҳада – инсон хурфикрлиги ва фикрларнинг тенг ҳуқуқли рақобати асосида ривожланиши асосида амалга ошади, деб эътироф этилади. Воқеликда бу соҳаларнинг барчасида идеал ҳолатга эришиш имконияти чегараланмаган. Лекин тарихий тажриба ушбу идеал мақсадга амалиётда муайян даражада яқинлашиш мумкинлигини кўрсатди.

Ҳозирги замон илғор мамлакатларида барпо этилган фуқаролик жамиятлари тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда фуқаролик жамияти бу:

---

<sup>9</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т, 2008 й. 126 б.

**Биринчидан**, жамият ҳаёти фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шаклланган, бошланғич нодавлат тизимларини ўз ичига қамраб олган инсоний бирликдир;

**Иккинчидан**, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуасидир;

**Учинчидан**, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органлар тазйиқлари, аралашлишлари ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамият бўлиб, унда улар ўзлигини намоён қила олишлари учун доимий имкониятларга эга бўлади.

*Шу билан бир қаторда, ҳозирги даврда фуқаролик жамиятининг асосий белгилари шаклланди. Булар асосан қуйидагилардан иборат:*

**Иқтисодий соҳада:**

- нодавлат ташкилотлар;
- кооператив ширкатлар;
- ижара жамоалари;
- акциядорлик жамиятлари;
- уюшмалар;
- корпорацияларнинг мавжудлиги.

**Ижтимоий соҳада:**

- оила;
- партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар;
- иш ва яшаш жойларидаги ўз-ўзини бошқариш органлари;
- нодавлат оммавий ахборот воситалари;
- жамоатчилик фикрини аниқлаш, шакллантириш ва ифода этишнинг маданийлашган тартиботлари;
- ижтимоий ихтилосларнинг куч ишлатмасдан, тазйиқсиз, қонунлар доирасида ҳал қилиш амалиётининг мавжудлигидир.

**Маънавий соҳада:**

- сўз, виждон ва фикрлар эркинлиги;
- ўз фикрини очиқ билдира олишнинг реал имкониятлари;
- ижодий, илмий ва уюшмалар мустақиллигининг ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатларидан таъминланганлиги.

Қолаверса, жамият аъзоларининг тўла мустақиллик билан фаолият кўрсата олиш қобилияти, уларнинг энг ривожланган даражадаги ижтимоий интеллектуал, рухий жиҳатлардан юксалиши содир бўлиши ҳам тақозо қилинади<sup>10</sup>.

Фуқаролик жамиятининг белгилари, мезонлари ва институтларини тасаввур қила олган ҳар бир кишига кўриниб турибдики, бундай демократик жамиятнинг асосини ўз-ўзини бошқариш ва жамоат ташкилотлари ўзаро муносабатларининг мажмуаси ташкил қилар экан. Фуқаролик жамияти инсонларнинг ўз-ўзини англаш, уларнинг объектив равишдаги маъсулият ҳиссини сезиш қобилиятининг юксалишига ҳамоҳанг равишда шаклланиб боради.

Маълумки фуқаролик жамиятининг асосий жамоат ташкилотларидир. Шу билан бир қаторда фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири – бу нодавлат тизимдаги барча жамоат ташкилотларига аъзоликнинг ихтиёрий шаклда бўлишидир. Бу қоидада биринчидан, шу жамаиатдаги демократиянинг юқори даражасини намоён қилса, иккинчидан, жамият аъзоларининг ижтимоий онги ва фаолликлари юксаклигини билдиради. Қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзи кирмоқчи бўлган ташкилот фаолиятида ўзининг манфаатлари ва эҳтиёжларига мос мақсадларга эришишига ишонч ҳосил қилганидан сўнгина шу ташкилотга ихтиёрий равишда аъзо бўла олади.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг яна муҳим бир воситаси жамиятда, ён-атрофда кечаётган воқеа ҳодисаларга фуқароларнинг муносабати қай даражада эканлиги билан ҳам белгиланади. **Фуқаро – жамият**, энг аввало, ўз ҳаётига дахлдор бўлган нимаики бўлса, унга онгли

---

<sup>10</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти. “Ёшлик” журнали, 1996 й. 6-сон. 3-4 б.

муносабатда бўлмоғи лозим. Бу эса асосий мақсадларимиздан бири бўлган эркин шахсни тарбиялаш масаласига бориб тақалади. **Онгли муносабат** – аввало, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштироки демакдир.

Маълумки, кейинги пайтда қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан тайёрланаётган қонунларнинг аксарияти халқимиз фикр мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда қабул қилинмоқда. Чунки ана шундай йўл билан фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнга аралашуви вақт ўтган сайин фаоллашиб, мукамаллашиб боради. Бу тажриба келажакда яхши самаралар бериши аниқ.

Демократик сайлов тизимини янада такомиллаштириш, сайловларга, унинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамиятига нисбатан муносабат фуқароларимизнинг ҳуқуқий билими, маданияти ошган сайин янада теран моҳият касб эта бошлайди. Сайловларда фуқароларнинг нафақат ҳуқуқлари балки мажбуриятлари ҳам кучайтирилиши керак.

Фуқаролик мажбуриятлари орасида сайлов варақасидан бўлар-бўлмас ёки совуқ қонлик билан эмас, оқилона фойдаланиш бурчи муҳим ўринда туриши керак. Қолаверса фуқароларнинг сайловлардаги иштироки улар барпо қиладиган жамиятни шакллантиришнинг яна бир муҳим воситасидир.

Фуқароларнинг сиёсий, нодавлат, ноижорат ташкилотлардаги иштирок ва бу борада малакасининг ошиши ўз навбатида жамият – фуқаро назоратини шакллантиришга сабабчи бўлади. Ана шундай йўл билан аста-секин ҳукумат қарорларини халқ томонидан назорат қилиш тамойили қарор топади. Жамоатчилик назорати кучайган жамиятда, шубҳасиз порахўрлик, мансабини суистеъмол қилиш каби иллатларнинг илдизини қирқишга кенг имконият очилади.

Ҳуқуқий билими, савияси баланд фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишни, шаъни, қадр-қимматини ҳимоя қилишни билади. Зеро, адвокатлар тўғрисида қонун қабул қилинганлиги ана шу асосда уларнинг ҳуқуқ ваколатлари кенгайтирилганидек, асосий муддао ҳам ана шундир.

Мамлакатимиз раҳбари “Тафаккур” журнали муҳаррири билан суҳбатда фуқаролик жамияти ҳақида фикр билдириб: “Бу соҳада дастлабки, аммо муҳим қадамлар қўйилди. Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади”<sup>11</sup>, – деган эдилар.

**Фуқаролар хоҳиш-иродаси билан яратилган жамият чиндан ҳам кучли жамиятдир.**

**Фуқаролик жамиятини бош манбаи – инсондир.**

## **2. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини юзага келишини тарихий ва бугунги талқини.**

Истиқлол барча ватандошларимизга озод ва эркин яшаш бахтини, дунёнинг чинакам ҳайратига сабаб бўлган миллий қадриятларимиз ва маданиятимизни янгича йўсинда шакллантириш имконини беради. Мустақилликни бошланишидаёқ Президентимиз ҳукуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш бош концепциямиз эканлигини айтганди. Ҳозирги кунга келиб кучли давлатдан кучли жасият сари деган мақсад белгиланди. Шунинг учун ҳам ҳукумат қуйи поғоналарга аниқ ваколатлар бермоқда<sup>12</sup>.

Инсон пайдо бўлгандан бошлаб жамият бор бўлса, унинг маълум бир тараққиёт даврида давлат пайдо бўлган. Жамият қандай бўлса, давлат ҳам шундай бўлади. Давлат жамиятнинг бир қисми. Давлат фаолияти устидан фуқароларнинг доимий назорати ўрнатилиб, унинг мукамал механизми яратилади. Бу кучли жамиятнинг бош мақсадидир. Ҳар бир фуқаро – жамиятнинг фаол асосига муҳими, унинг бошқарувчисига айланади.

---

<sup>11</sup> “Кучли давлатдан кучли жамият сари” давра суҳбати. “Халқ сўзи”, 1999 й. 4-февраль.

<sup>12</sup> “Кучли давлатдан кучли жамият сари” давра суҳбати. “Халқ сўзи”, 1999 й. 4-февраль

*Кучли давлат деганда, ҳар қандай тўсиқларни, янгиликка таҳдид солувчи кучларни биртараф этадиган миллий давлатчиликни барпо этиш ва иқтисодиётни замонавийлаштирида бошқарув тизимини мустаҳкам ушлаб турадиган, барқарорликни сақлайдиган ислоҳатларни пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширадиган ҳамда халқи ишонган давлатгина кучли давлатгина кучла давлат ҳисобланади.*

Давлат ва фуқаролик жамиятидаги ахлоқий юксаклик даражасини эса фуқароларнинг ахлоқий маданияти белгилайди. Маънавий етук авлодгина жамият тараққиётига салмоқли ҳисса қўша олади.

Юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни вояга етказишда биз ўзимизнинг бой маънавий меросимизга таянамиз. Инсоният қадимданок идеал жамиятни барпо этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар ва унга қараб интилганлар. Масалан, Зардўштийликда инсоният ривожининг турли даврлари ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. “Авесто”да биринчи одам Ийма даври олтин давр ва бахт саодат даври бўлиб, ундан бошқа одамлар тарқалган. Иккинчи даврга яхшилик билан ёмонлик кураши хосдир. Учинчи давр бу – буюк келажак бўлиб, ундаги яхшилик ёмонлик устидан ғалаба қилиши керак. Бу даврда инсоният яна тинч, фаровон, бахтли ҳаёт кечиради.

Жамиятнинг равнақи, Зардўштийликда ахлоқий йўл-йўриқларга, оддий ахлоқ нормаларга риоя қилишга боғлиқ. Унда жоҳиллик, зўравонлик, тухмат каби ёмон ҳислатлар қораланади, соф кўнгилли бўлиш, хиёнат қилмаслик, ҳақорат қилмаслик, савдода бир-бирини алдамаслик каби фазилатлар тарғиб этилади. Зардўшт таълимотига кўра – бурчнинг энг биринчи даъватларидан бири – маънавий софлик ҳақида ғамхўрлик қилишдир.

“Авесто”даги ахлоқ-одоб ғоялари **қуйидаги учликда: Яхши фикр, яхши сўз, яхши ишда** ифодаланади. Зардўштийлик ахлоқий қарашлари кейинги давр ахлоқий қарашларига ўз таъсирини кўрсатади. Бундай таъсирни Моний, Маздак таълимотларида кўрамыз. Монийнинг фикрича Зиё ва Зулмат, Яхшилик ва Ёмонлик дунёси ўртасида муросасиз кураш боради. Яхшилик ана шу курашда ғалаба қилмоғи учун инсон ўзининг бутун фикрлари, ишлари

билан яхшилик кучоҳларига ёрдам кўрсатиши лозим. Бунинг учун инсон **10 та ахлоқий ақидаларга риоя қилмоғи** ва уни бажармоғи лозим.

Фаровон жамиятни барпо этиш масаласини ўрта аср мутафаккирларининг таълимотларида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Абу Наср Форобийнинг ижтимоий қарашларида инсоният жамияти вужудга келиши ва ривожланишининг муайян табиий сабабларини, ахлоқнинг шаклланишини, инсон ва жамиятни ўзаро муносабатини, инсонийлик, адолат, етук жамоа, комил инсон каби масалаларни назарий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилади.

Форобий жамиятни келиб чиқиши устида мулоҳаза юритиб, у инсон жамоасини келиб чиқиши асосида табиий эҳтиёж ётганлиги ҳақидаги назарияни олға суради. Табиий эҳтиёж кишиларни бир-бири билан бирлашишга, жамоага уюшишга, ўзаро ёрдамга олиб келади. Кишилар ўртасидаги ўзаро ёрдам инсон жамоасини келтириб чиқаради.

У идеал – фозил шаҳар (давлат)нинг адолатли, юксак ахлоқий ва маърифатли раис раҳбарни ўзида мужассам этган донишманд томонидан бошқарилиб, бу давлат – шаҳар аҳолисининг ўзаро кўмаклашувига, бир-бирига ёрдам беришига асоланади, деб ҳисоблайди. Форобий ҳақиқатпарварликка асосланган эркин, “идеал давлат”нинг ўрнатилишини орзу қилади, унга эришиш манбаи илм-фанда, ахлоқда эканлигини таъкидлайди. Форобийнинг ғоялари фақат Шарқдагина эмас, балки Европада ҳам илғор ижтимоий-фалсафий фикрни кейинги тараққиётида муҳим роль ўйнайди.

Абу Наср Форобий “Бахт-саодатга эришув ҳақида”ги рисоласидаги куйидаги фикрлар диққатга сазовордир: “Камолатга бир кишининг ўзи ёлғиз (бировнинг ёки кўпчиликнинг ёрдамисиз) эришуви мумкин эмас. Ҳар бир инсоннинг туғма табиатида ва унга лозим бўлган ҳар қандай иш ва ҳаракат жараёнида бошқа бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлиш ўзаро алоқа қилиш ҳиссиёти бор. Одамзод жинсидан бўлган ҳар қандай инсоннинг



ахволи шу: у ҳар қандай камолатга эришуви бошқаларнинг кўмаклашувига улар билан бирлашишга муҳтож ёки мажбур”<sup>13</sup>.

Тараққиёт ривожланиб борган сари давлатнинг роли ҳам ўзгариб туради. Негаки бизнинг олдимизга фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсади қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Ислом Каримов мамлакат тараққиёти тўғрисида сўзлар экан шундай мақсадларни илгари суради: “Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади”<sup>14</sup>.

Форобийнинг мазкур қарашлари мазмунида фуқаролик жамияти ғояси ётади. Зеро фуқаролик жамияти жамоатчиликнинг энг мукаммал шакли бўлиб, шахс ўз манфаатини жамият манфаати билан узвийликда кўрадиган жамиятдир. Фуқаролик жамиятида шахснинг эгоизми<sup>15</sup> жамият фойдасига бўйсиндирилган бўлишлиги кўзда тутилади. Ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, бирдамлик, инсон инсонга нисбатан ғамхўрлиги қарор топган жойда фуқаролик жамияти яратилади. Албатта бу ўз-ўзидан бўлмайди, бунинг учун жамият аъзоларини тарбиялаш зарурлигини ҳам кўрсатиб ўтган.

“Ижтимоий-сиёсий билимлар, - деб таъкидлайди Форобий, инсонларни ҳақиқий бахт-саодатга олиб боровчи, онгли ҳаракатларини, хулқ-атворларини, тобе мойилларини, малакали турмуш тарзлари, ўзаро муносабатларини, яшашдан мақсадларини тушуниб олишга кўмаклашади”<sup>16</sup>.

Инсоннинг яхши ахлоқий фазилатлари хулқ-атворларининг шаклланишига таъсир кўрсатишини ва ана шу аснода фуқаролик жамияти шахсини тарбиялашни илмий асолаб беради. Инсоннинг табиатда жамоа бўлиб яшаш хусусияти мавжуд бўлсада, лекин у тарбияга муҳтож

---

<sup>13</sup> Қаранг: Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари –Т. 1971 й. 251 б.

<sup>14</sup> Каримов И Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т, 1997 й 173 б.

<sup>15</sup> Эгоист, эгоистик, эгоизм – худбинлик, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган ғоялар мажмуаси.

<sup>16</sup> Қаранг: Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари –Т. 1971 й. 251 б.

эканлигини, бу мухтожликни эса ижтимоий-сиёсий билимлар орқали ҳал этилиши мумкинлигини кўрсатиб ўтган. Зеро, ижтимоий-сиёсий билимлар инсондаги ижтимоий моҳиятнинг шаклланишига хизмат қилади.

Фуқаролик жамияти бу ҳуқуқий давлатнинг ривожланган шакли бўлиб, бунда қонун устуворлиги, адолат энг асосий тамойиллардан бири ҳисобланади. Ҳар бир ишда адолат, қонун устуворлиги ва инсонпарварликка таянишни айниқса, буюк бобокалонимиз Амир Темур амалий фаолиятида кўриш мумкин. Амир Темур мамлакатимиз тарихида буюк давлат асосчиси, истеъдодли саркарда сифатида шунингдек, ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашлари билан ҳам ажралиб туради. Ҳар қандай жамоага раҳбарлик қилиш жамоа аъзоларини бир мақсад йўлида бирлаштириш кишидан етарлича иқтидор, катта маъсулият, юксак маънавият, билим ва тажриба талаб этиши ҳаммамизга маълумдир. Амир Темур ўз мақсади йўлида қатъийлик, жасурлик ва бетакрор покликни улуғлаб ўз салтанатини бошқариб келган. Амир Темурнинг фуқаролик жамиятига хос бўлган маънавий ҳислатларининг яна бир ўзига хос томони шундаки, у давлатни бошқаришда муроса ва келишув йўлини маъқул кўрарди. У ўз ўғитларидан бирида “Дўсту душман билан муроса-мадора қилдим” деб нақл этса, яна бир ўринда ҳар бир ишни бошлашдан олдин машварату маслаҳатни афзал кўрганлигини баён этиб: “Ҳар вақт кенгашчилар йиғилиб мажлис очилар экан, яхши-ёмондан, фойдазиёндан, олдимиздаги ишларни қилиш-қилмасликдан сўз очиб, улардан фикр сўрар эдим”, - дея таъкидлайди.

Бундай ахлоқий қарашларни ҳар бир давр мутафаккирларининг таълимотларида кўриш мумкин. Ўтмиш мутафаккирларимизнинг ахлоқий қарашлари фуқаролик жамиятини барпо этишда ахлоқий асос вазифасини бажаради.

Ўзбекистон миллий мустақиллигини дастлабки йилларидаёқ юртимизда фуқаролик жамият асосларини барпо қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Президентимиз Ислам Каримов, Ўзбекистон фуқаролик жамиятини таърифлаб: “Демократик жамият – бу энг аввало,

фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократиянинг олий мазмуни – шахслараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч-тотув яшайди”<sup>17</sup>.

Фуқаролик жамиятининг кишиларининг юксак ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий маданиятига асосланган демократик жамиятнинг юқори босқичидир. Мамлакатимизда ҳозир эркин демократик фуқаролик жамиятини тузишга киришилган. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов ўзларининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида: “Бугун биз, тарихий бир даврда халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч осайишта ҳаёт кечираётган, авваломбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз”, - дейди.

Фуқаролик жамияти ўз-ўзини бошқариш тизими бўлиб, жамиятда давлатнинг қатор ҳуқуқий ваколатлари фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари қўлига ўта бошлайди. Маҳаллий ҳокимият органларининг ваколоти кенгаяди. Фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш кишиларнинг юксак сиёсати ва ҳуқуқий маданияти, ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигига таянади. Фуқаролик жамияти ўзининг ахлоқий асосларига эга. Чунки бундай жамият ахлоқий юксакликни талаб этади. Шунинг учун ҳам таълим тарбия масаласига жуда катта эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган барча қонунлар руҳи ва ғояси мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуришга қаратилгандир. Айниқса, Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг VI сессиясидаги маърузасида бундай жамият қуришнинг асосий йўналишлари, бу жараёнда республикамизнинг ўзига хос хусусиятлари йўли очик-ойдин кўрсатиб берилди.

Умуман, мамлакатимизда ҳам фуқаролик жамиятининг тамал тошлари қўйилди. Қисқа давр ичида ижроия, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятлари

---

<sup>17</sup> Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т., 1998 й. 409 б.

бир-биридан ажратилди. Конституциянинг 58-моддасига асосан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмаларининг фаолиятига аралashiшига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралashiшига йўл қўйилмаслигига<sup>18</sup> эътироф этилди.

Олий Мажлис кўппартиявийликка асосланган сайловлар асосида шаклланди. Халқнинг ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқлари юзасидан бир неча қонунлар қабул қилинди. Бошқарувда давлатнинг ўрни камайиб, жамоат бирлашмаларининг иштироки кучайиб бормоқда.

Ҳозирги кунда амал қилишимиз зарур бўлган фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг дастлабки белгиларидан бири ҳам уни шакллантиришга хизмат қиладиган воситаларнинг ҳуқуқий асослари қай даражада яратилганига боғлиқдир. Агар ана шу “восита”лар қонун йўли билан қанчалик ҳимоя қилинса, ваколатлари таъминланса, бу жамиятни шакллантириш жараёни шунчалик тезлашади. Бу борада бир қанча ишлар амалга оширилди. Бунга қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан қабул қилинган ва айни пайтда жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилган сиёсий партиялар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тўғрисидаги қонун ва дастурларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XVI сессиясида Президент Ислон Каримов “Барча сайловолди тайёргарлигимизнинг асосий мақсади – ҳар қайси овоз берадиган инсон – у кимга овоз беришидан қатъий назар, Президент номзодигами ёки депутат номзодигами – аввало ўз хоҳиш иродасига суяниб, ўз иймонига суяни, мустақил ва онгли равишда овоз берсин”, - деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, барча давлатларнинг демократия ва эркинлик даражаси шу мамлакатларда ўтказиладиган сайловларга кўра белгиланади. Шу боисдан ҳам сайловларни демократияни энг тиниқ ва ёрқин кўзгуси деб аташ мумкин. Айниқса, “Ўзбекистон

---

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 58-модда. Т, 2011 й.

Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 22-1 моддасида мамлакатимизнинг сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси ёки фуқаролар гуруҳ Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида юз нафари сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳининг тузилиши, ушбу ҳуқуқни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази тузилганлиги ва номзодлар Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг номзодлари билан баробар рақобатли кураш олиб боириши демократиянинг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисида Президентимиз томонидан баён этилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”даги маърузаси юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Концепция давлатни ислоҳ этиш модернизация қилиш борасидаги изчил ислохотларни сифат жиҳатидан, янги, юксак босқичга кўтаришга қаратилган муҳим дастурий ҳужжатдир. Айниқса, унда бугун жамиятимизни шу саҳоватли заминимизда яшаётган ҳар бир ватандошимизни ҳаётбахш янгиликлар жараёнида фаол қатнашишга сафарбар этадиган улғувор мақсадлар белгилаб берилгани алоҳида аҳамият касб этади. Концепцияда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар жараёни чуқур таҳлил қилинган. Ўзбекистоннинг демократик ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги ютуқлари ҳақида теран фикр юритилиб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга бўлган очик демократик давлат куришнинг, фуқаролик жамияти шакллантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Унинг қоида ва хулосалари асосий стратегик мақсадга эришишига иқтисодиёти барқарор ривожланиб бораётган ва бутун дунёда ҳурмат эътибор қозонган, инсон, унинг манфаатлари ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, балки амалда олий қадрият ҳисобланувчи кучли фуқаролик жамиятига

эга бўлган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилгани билан алоҳида эътиборга лойиқдир.

Концепция мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳатлар ва умумжаҳон демократик жараёнларининг боришини теран фикрлаш маҳсулидир. Концепция мамлакатимиз сиёсий тизимини модернизация қилишнинг дастурий ҳужжатидир. Бу концепция Ўзбекистонни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш жараёнларининг янги, янада юқори юксак босқичини бошлаб беради.

Концепцияда кўтарилган масалаларнинг барчаси нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан муҳокама қилиниб, хорижий мамлакатларнинг олимлари ва халқаро экспертлар томонидан кенг шарҳланмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек: “Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларни, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантirmасдан туриб, у мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизги яхши тасаввур этамиз”<sup>19</sup>. Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда бошқа кўплаб соҳалар қатори демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролик жамияти институтларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилиб, юксак натижалар қўлга киритилмоқда. Оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва лебираллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш, медиа маконга

---

<sup>19</sup> Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т, 2010 й 14 б

ахборот коммуникация технологияларни бевосита жорий этишга қаратилган 10 та қонун ҳужжати қабул қилинган муҳимдир.

Мамлакатимизда аҳолининг кенг қатламларини қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жадал шаклланиши ва ривожланиши учун қулай имкониятлар яратилган. Фуқаролик жамияти институтлари, жамоат бирлашмалари ҳозирги демократик миллий қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя этишнинг асосий таянчи бўлиб, уларга ўз имкониятларини амалга ошириш жараёнида сиёсий-ҳуқуқий маданиятни такомиллаштиришга шароит яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси кучли демократик, ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан босқичма-босқич ривожланиб бормоқда. Фуқаролик жамияти демократик ислохотларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, давлатимизда фуқаролик жамияти институтларини мустақамлаш ва ривожлантириш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди. “Ўзбекистонимиз босиб ўтган кейинги ўн йиллик давр аҳолимининг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди”<sup>20</sup> - деб қайд этади Республика Президенти Ислам Каримов. Бугунги кунда Ўзбекистонда 5100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар, 870 дан ортиқ газета ва журналлар, 100 га яқин давлат ва нодавлат телерадиостанциялар фаолият кўрсатмоқда. Агар бундан 15 йил олдин Республикаимизда 475 та ОАВ лари бўлган бўлса, 2010 йилга келиб бу рақам 1110 тани ташкил этди. Хусусан, уларнинг 600 дан зиёди вилоятларда фаолият кўрсатмоқда.

Республика Президенти Ислам Каримов 2005 йилнинг 28 январида “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” мавзuidaги маърузасида

---

<sup>20</sup> Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т, 2010 й 41-42 б.

эндиликда олдимизда турган бир қатор устивор вазифаларни белгилаб берар экан, демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ролига алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистонда демократик янгилашлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ролини кучайтириш, маҳалла институтини бугунги замон талабларига мувофиқ тарзда тиклаш, шунингдек, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари зиммасига юкланган кўплаб вазифа ва ҳуқуқларни фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига, яъни маҳаллаларга берилиши, улар мақомини такомиллаштирилиши ҳамда, жамиятимиз ҳаётини демократлаштиришда жуда муҳим имкониятларга йўл очилмоқда.

Бугунги кунда жамиятнинг сиёсий соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштириш мақсадларидан келиб чиқиб, маҳалла фуқаролар йиғинларига бошқаришнинг турли йўналишларига нодавлат ташкилотлар сифатида етакчилик қилиш ваколатлари берилди. Маҳаллалардаги тинч, осайишта ҳаётни таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш чора тадбирларини кўриш, етимлар ва ёлғиз қолган фуқароларга меҳр-мурувват кўрсатиш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришга доир интилишларини қондириш каби серқирра жамоавий бошқарув ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этмоқда.

“Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Бундай ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари



фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда»<sup>21</sup>.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини асоси бўлган демократик институтларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларига доир ислохотларни амалга ошириш натижасида Республикаимизда 306 та республика аҳамиятига молик жамоат бирлашмалари фаолият юритиб, улардан 64 таси халқаро ташкилотлар мақомига эга. Бу бирлашмаларнинг 48 таси жамғарма, 78 таси жамият, 4 таси сиёсий партия, 42 таси федерация, 16 таси касаба уюшмалари, 2 таси ҳаракат, 20 таси марказ, 48 таси ассоциация, 20 таси уюшма, 5 таси кўмита, яна 22 та турли номларда расмий рўйхатдан ўтган ташкилотлардир. Шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий аҳамиятга эга 2237 та жамоат бирлашмалари фаолият юритмоқда. Бу эса мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари шаклланаётганлигидан далолатдир.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва такомиллаштиришни тубдан ислох этиш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Ривожланган демократик давлатни барпо этишда, фуқароларда сийёсий-ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, давлат бошқаруви фаолияти тизимида фуқароларнинг иштироки ва назоратини кучайтиришда, фуқаролик жамияти институтлари, жамоат бирлашмаларининг ўрни муҳимдир. Бир сўз билан айтганда, нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари азалий орзумиз бўлган демократиянинг кўзгусидир!

---

<sup>21</sup> Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т, 2010 й 42-43 б.

### **3. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” ваколатини янада кенгайтириш – Фуқаролик жамиятини юксалтиришнинг муҳим шарти.**

Фуқаролик жамияти қуришда, жамият ва давлат ишларини амалга оширишда, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашда, мамлакат барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйновчи тузилма, бу – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир.

Давлатимиз раҳбарининг; “Ҳаммадан олдин одамларнинг иссиқ-совуғидан, ғам-ташвишларидан хабар топадиган ким? Албатта – маҳалла аҳли. Турмуш тарзини изга солиш, кундалик муаммоларни ҳал этиш учун, энг аввало, маҳалла фаолиятини кучайтириш, уларга ёрдам бериш зарур”<sup>22</sup> – деган фикрлари ва тавсиялари ҳозирги кун талабига тўла жавоб беради.

Ватанимиз мустақилликка эришгандан кейин – мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, фуқаролик жамиятини қуриш, энг асосийси “Кучли давлат бошқаруви тизимидан – кучли фуқаролик жамиятига ўтиш” устувор вазифа бўлиб қолди. Бу вазифани тўла-тўқис амалга оширишда ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни жуда муҳимдир. Олий Мажлиснинг XIV сессиясида белгиланган устувор йўналишлар қаторида давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнини эркинлаштириш ҳам бўлиб, унда давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтириш асосий вазифалар сифатида кўрсатиб ўтилади.

Ўзбекистонда қурилаётган фуқаролик жамияти миллий ва умуминсоний кадриятлар ҳамоҳанглигида, уйғунлигида бунёд бўлаяпти. Маълумки, барча демократик мамлакатлар учун умумий бўлган демократик меъёрлар ва талаблар бор. Лекин бизнинг ватанимизда демократиянинг ўзига хос хусусиятлари, шарт-шароитлари, тамойиллари мавжуд. Бизда демократия тушунчаси ва энг муҳими, унинг намоён бўлиш амалиёти жамоа

---

<sup>22</sup> И. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т. 2000-й 218-бет.

хамжихатлиги, ташаббуси ва жамоатчилик фикрининг таъсирчанлиги ва обрў-эътибори асосида шаклланган ва ривожланмоқда. Ўзбек халқининг ўзига хос фазилатларини – қонунга ҳурмат ва итоатда бўлмоқ, раҳбарларга нисбатан ҳурмат, ҳаётнинг паст-баландини яхши билиш ва кадрлаш, ахлоқий, маънавий кадриятларни ардоқлаш, уларга риоя қилиш айни вақтда фуқаролик жамияти мезонлари ҳамдир. Бу мезонларни амалга ошишида ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла фуқаролар йиғинини ўрни беқиёсдир. **Ота-боболаримиз бутун умр таяниб, муаммоларига ечим топаолган маскан обод маҳалла бунуги кунимизнинг кўзгуси бўлиб қолмоқда.**

“Ватан нимадан бошланади? Бу саволга: “Ватан бешиқдан, Она алласидан бошланади”, “Ватан остонадан бошланади”, “Ватан маҳалладан юошланади” деб жавоб берадилар ва уларнинг барчаси тўғри. Негаки бу жавоблар бирмазмуннинг турли жилоларидир. Зотан, биз улғайган бешиқ ҳам, маҳалламиз, Ўзбекистонимиз ҳам – ҳар бири бу оламда ягона”<sup>23</sup>.

“Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида” 1993 йил 2-сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни амал қила бошлагандан бўён мамлакат ижтимоий ҳаётда жамоат ташкилотларининг роли ортганлиги билан изоҳланади<sup>24</sup>.

Ўзини ўзи бошқариш органлари яъни, маҳалланинг бугунги кундаги ўрни ва аҳамияти ҳақида Президентимиз Ислон Абдиғаниевич Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида берган фикрлари устувор вазифаларни амалга ошириш йўлидаги амалий ифодаси бўлиб хизмат қилади.

“Маънавий ҳаётимизни юксалтириш ҳақида гапирганда, **маҳалланинг роли ва таъсири** хусусида тўхталиш албатта ўринлидир. Маълумки, азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий кадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар холидан ҳабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар

<sup>23</sup> Аъзамжон Гадоёбоев. Ҳақ йўли – ҳақ йўл. Т 2004-й. 130-бет.

<sup>24</sup> “Халқ сўзи” 1999 й. 12-февраль. Ҳақим Саттаров, “Камарбасталик” мақоласи.

ва маъракаларнинг кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз “Маҳалла – ҳам ота, ҳам она” деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Маҳалла ҳақида гапирганда, кўпчилик ана шундай чуқур маъноли сўзларни эслаши ва тилга олиши табиий. Улар шу тариқа наинки ўзларининг дарду ташвишларини ҳал қиладиган таъсирчан ижтимоий фуқаролик идораси, айтилиши вақтида она юрт рамзи бўлган маҳаллага ўзининг муносабатини изҳор этади.

Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб кадриятлар ва удум анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Шу билан бирга, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда, улар бугун ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг кўламли фаолият олиб бормоқда. Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта “маҳалла” тушунчаси конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми каттиг белгилаб қўйилди. Маҳалла бошқарувида бундай катта эътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг ҳақчиллигидан далолат беради. Айтилиши вақтида у юртимизда амалга оширилаётган “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” деган тамойилнинг амалий ифодаси бўлиб маънавий ҳаётимизни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизнинг онги тафаккурини замонавий асосда шакллантириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳалланинг халқ маънавияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида сўз юритиб, уларни кўз ўнгимиздан ўтказиб, атрофлича таҳлил қилар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан айтиш керакки, биз ҳар қайси хонадон, бутун эл юртимиздаги маънавий иқлим ва вазиятнинг англамоқчи бўлсак, бу борадаги

хақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини аввало маҳалла ҳаётида ойнадек яққол кўриш имконига эга бўламиз”<sup>25</sup>.

Бу оламнинг энг бебаҳо, буюк қадрияти инсоннинг энг муқаддас нарсалари, унинг ота-онаси, оиласи, Ватани, халқи, келажаги, бахти-саодатидир. Ана шу азалий ҳақиқатдан келиб чиқиб, Юртбошимиз томонидан 2002-йил 5-декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йилигига бағишланган тантанали маросимда “**Обод маҳалла йили**” деб эълон қилинган 2003-йил ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар ҳаёти, “Маҳалла” жамғармаси, юртимиз тарихида ёрқин бир саҳифа бўлди. Бу йилда амалга оширилган улкан ишлар ўтган йиллар фаолиятимиз тажрибаларининг серҳосил меваси, келгуси ишларимизга ёрқин намуна, ўзига хос йўлланма бўлгани учун биз қуйидаги рақамлар тили билан сўзлашни лозим топдик.

Маълумки, ҳар қандай кичик ёки катта тадбир аниқ мақсад ва вазифалар, пухта ўйланган режа асосида бажарилсагина, кутилган натижани беради. Шу сабабли Президент Фармойиши билан “**Обод маҳалла йили**” дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси тузилди.

Мазкур комиссия давлат, нодавлат ҳамда жамоат ташкилотлари, шунингдек маҳаллар вакиллари кенг жалб этган ҳолда маҳаллаларимиздаги мавжуд муаммолар, қилиниши лозим бўлган ишларни атрофлича ўрганиб, йил давомида амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий-ҳуқуқий, ижтимои-иқтисодий тадбирларнинг комплекс дастурини ишлаб чиқди.

Жамғарманинг вилоят, туман бўлимлари, ҳар бир маҳалла ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ана шу дастур асосида ўз режаларини белгилаб олишди. Ирмоқлар йиғилиб дарё бўлганидек барча бажарилган ишлар жам бўлиб, уммонқадар вазифалар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 7-феврал 70-сонли Қарори

---

<sup>25</sup> И. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. 2008-й. 58-60 бетлар.

билан тасдиқланган узоқ муддатга мулжалланган мазкур дастур асосий **7 йуналиш, 102 банддан** иборат бўлиб, миллий мафқурани яратиш, баркамол авлодни тарбиялаш, истиқлолни таъминлаш мақсадларига уйғун ҳаётий энг муҳим масалаларни қамраб олган эди.

Дастур ижросидан мамлакатимиз бўйича **9789 та ўзини ўзи бошқариш органлари** иштирок этдилар. Дастурда кўзда тутилган вазифалардан келиб чиқиб, 2003-йил давомида Республикамизда Жамғарма бўлим ва бўлинмалари томонидан жами **42075 та тадбир** бажарилди.

**Ҳозирда мамлакатимизда Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар ва барча вилоятларда “Маҳалла” хайрия жамғармасининг 14 та бўлими, 213 та туман (шаҳар) бўлинмалари, 1331 та қишлоқ, 112 та шаҳарча, 141 та овул, 8142 та фуқаролар йиғинлари, жами 9726 та ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатмоқда** (2003 йилги маълумотга кўра). Маҳалла кенгаши раислиги вазифасига маҳалла-куй ўртасида обрў-этиборга, нуфузига эга, ижтимоий-сиёсий билимлари етук, ташкилотчи, маънавиятли ва энг муҳими одамларни ўз ортидан эргаштира оладиган фуқаролар сайланган. Раислар маҳалла фаолиятининг турли жиҳатлари бўйича фаол шахсларни масъул этиб тайинлаганлар.

Ҳисоб-китобларга қараганда ҳозирда ўзини ўзи бошқариш органлари ва “Маҳалла” жамғармаси тизимидаги штат лавозимидаги кишилар – раис, масъул котиб, посбонлар сардори ва маслаҳатчилар **40 000 га** яқинни ташкил этади. Шунинг учун 2003-йилдан бошлаб, Жамғарманинг Республика бошқарув аппарати таркибига кадрлар билан ишлаш бўлими киритилди ва фаолият кўрсатиб келмоқда.

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, ваколатлари қандай масалаларни ечимига қаратилган, улар томонидан қайси йўналишларда иш олиб борилаяпти?

**Биринчидан**, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокини таъминлаш, тажриба ва кўникмалар орттиришда ёрдамлашиш,

Ўз ҳудудларида ижтимоий-моддий ва маънавий-маърифий вазифаларни ҳал этишда аҳолини бирлаштириш, давлат сиёсатининг жойлардаги ижрочиси сифатида маҳаллий ҳокимият органларига ёрдам бериш.

**Иккинчидан**, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган ҳолатда уларга ёрдам кўрсатиш ёки уларга маданий-маиший қулайлик яратиб бериш йўлида тегишли маҳаллий давлат ҳокимиятига ва бошқарувига мурожаат қилиш, улар орқали шу ҳудуд аҳолисининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларин ҳимоя қилиш.

**Учинчидан**, фуқароларнинг ўзини ўзи бошариш органларининг яна бир ўзига хос хусусияти – улар фаолияти жамоат шакли, табиати билан ажралиб туради. Хусусан, фуқаролар йиғини давлат номидан эмас, балки қонунга биноан муайян ишлар доираси бўйича ўзини бошқариш ваколатини олган аҳолининг маълум ҳудудий кичик жамоаси номидан ҳаракат қилади ва айни вақтда, фуқароларнинг жамият раванқига бевосита ҳиссаларини кўшишга имкон беради”<sup>26</sup>.

Маҳаллаларда ободончиликка, халқнинг маъмурлигига, эл-юрт фаровонлигига хизмат иладиган ишлар сони кўпайди. Маҳалла давр ўзгаришилари, талабларига мослаша бошлади. Қадимий ва навқирон маҳалла жонланиб, унга файз кирди.

“Ҳозирда Республикамизда **7536 та** ўзини ўзи бошқариш органлир ўз идораларига эга бўлиб, шулардан **4945 таси** телефон тармоғига уланган. Аксарият маҳалла идораларида маънавият ва маърифат, хотин-қизлар комиссиялари, маҳалла посбони сардолари хоналари мавжуд. Мамлакатимизда мавжуд корхоналар ва аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналари **64601 та** бўлса, шулардан **21194 таси** бевосита маҳаллалар тасарруфидадир. Уларда **172 101 та** ишчи-хизматчилар фаолият кўрсатади.

Назарий ва қонуний жиҳатлардан қаралганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бир қанча ваколатларга ҳам эга. Бу Конституциянинг 105-моддасида ва “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

---

<sup>26</sup> И. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т. 2000-й 218-219 бетлар.

тўғрисида”ги қонуннинг моддаларида белгилаб берилган. Энди энг муҳим вазифа ана шу ваколатларни амалга оширишнинг таъсирчан механизмни яратиш. Бу долзарб ва айна пайтда мураккаб вазифани бажариш учун ҳам давлат вакиллик, ҳам жамоа вакиллик органлари етарли даражада молиявий захираларга эга бўлиши керак. Бунинг учун ўз даромадларини шакллантирувчи манбаларни мунтазам кенгайтириб боришлари шарт. Ўзини ўзи бошқарувнинг молиявий фаолиятини мустахкамловчи чоралардан бири – аҳолига комплекс тарзидаги савдо, маиший ва маданий хизматлар кўрсатадиган гузарлар фаолиятидир.

Марказий давлат органларининг ваколатларини маҳаллий давлат органлари, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш аниқ вазифаларни кўзловчи мақсад асосида маълум тамойилларга таяниб ўтказилиши керак.

Бунинг мақсади бўлиб, **биринчидан**, жамият аъзоларининг онги, иродаси, маданияти, билими юксак даражада бўлишига эришиш, айниқса ҳуқуқий билим, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга алоҳида эътибор бериш; **иккинчидан**, жамият аъзоларининг манфаатларини шакллантиради, умумий манфаатларни шахсий манфаатлар билан муштараклигига эришиш; **учинчидан**, жамиятнинг такамиллашуви, янгиланиши учун кучли ва реал сиёсий, иқтисодий, маънавий имкониятларни вужудга келтириш; **тўртинчидан**, умумманфаатга эришиш учун жамият аъзолари, тузилмалари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, уларни қўллаб қувватлаш; **бешинчидан**, жамиятдаги муносабатларни тартибга солувчи қоидалар таъсирини кучайтириш, қоидаларга фақат мажбурий амал қилишга эмас, уларга онгли амал қилишишга эришиш; **олтинчидан**, сиёсий ҳокимиятга ўз вазифасини тўла бажаришга кенгроқ ва қулайроқ имконият яратиш, сиёсий ҳокимиятга жамият аъзолари ишончини кучайтириш, аҳоли томонидан кенг ва фаол қўллаб-қувватлашга эришиш зарурлиги. **Вазифалари эса:** 1) марказий давлат органларининг айрим ваколатли функцияларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ва жамоат



тузилмаларига босқичма-босқич топшириш тадбирларининг ҳуқуқий асосларини яратиш, мавжудларин такомиллаштириш;

2) марказий давлат органларининг айрим ваколатли функцияларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ва жамоат тузилмаларига босқичма-босқич топшириш услубий жиҳатларини ишлаб чиқиш;

3) хорижий мамлакатларнинг номарказлаштириш тажрибасини ўрганиш, уларнинг мақбул жиҳатларини мамлакатимизда қўллаш ҳақида тавсия ва таклифлар тайёрлаш;

4) амалга оширилаётган чора тадбирларни ўрганиш, уларни қўллаш, чуқурлаштириш хусусида таклифлар тайёрлаш;

5) бу ишларга давлат хизматчилари, аҳолининг тайёрлаш борасида ўқув услубий ишлари, тарғибот ишлари олиб бориш;

6) фуқароларнинг ўзини ўзи органларининг молиявий асосларини мустаҳкамлаш чораларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Булар куйидаги тамойилларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир: 1) босқичма-босқичлик тамойили. Бу тамойил натижасида давлат функциялари ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларига бир пайтнинг ўзида ўтказилмайди;

2) икки давлат органлари фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоа бирлашмалари олишга тайёргарлиги тамойили;

3) ижро этиш фаолиятини маҳаллий органларига берилиб, марказда назорат фаолиятини қолдириш тамойили;

4) барча тадбирларни амалга оширишда ўзбек миллий давлатчилиги анъаналарига таяниш тамойили. Бу масалалар қонунчиликда белгиланган. Масалан, фуқароларни ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқини ҳеч қандай давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахслар томонидан чеклашга йўл қўйилмайди.

## Хулоса.

Фуқаролик жамияти хусусий ҳаёт фаолияти сифатида ўзида турли ижтимоий ва сиёсий субъектлар манфаат ва эҳтиёжларини мужассам этган бўлиб, бу кўп ҳолларда низоларга, улар ўртасидаги зиддиятларга олиб келиши мумкин. Фуқаролик жамияти субъектлари ўртасидаги кескин шароитни бартараф этиш, қандайдир ижтимоий уйғунликни яратиш нафақат фуқароларнинг вазифаси, балки энг аввало, олий ҳакам бўлган давлатнинг ҳам бурчидир. Давлатсиз фуқаролик жамияти нормал ишлай олмайди: унинг таркибида парчаланишнинг дезинтеграцион жараёнлари ва турли ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий ташкилотлар зиддиятларини ортишига олиб келиши мумкин. Ва аксинча, эркин, ўз-ўзича ривожланадиган фуқаролик жамиятисиз давлат ҳеч қачон демократи бўла олмайди, авторитар тузум кўринишларидан бири бўлиб қолиши мумкин.

“Фуқаролик жамияти” тушунчаси ва унинг келиб чиқиши ҳақида турли тарихий даврларда ўзига хос бўлган фикрлар илгари сурилган. Юқорида мисол қилиб келтирилган Ўрта Осиё мутафаккирларининг ижтимоий сиёсий қарашлари бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамияти пойдеворини янада мустаҳкамлашда ва ривожлантиришда энг муҳим омил сифатида хизмат қилади. Шунингдек, бу ғоялар мамлакатимиз фуқароларига, айниқса, ёшларимизга фуқаролик жамиятининг назарий-маънавий асосларини сингдиришда асосий негиз ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти асосида фуқаро ва давлат орасидаги муайян шаклдаги муносабат ётади. Ушбу муносабат шундай бўлиши лозимки, инсон эркинлиги ва ҳуқуқлари таъминланиши давлат томонидан кафолатланган бўлиши лозим. Давлат ушбу кафолатларни ўзининг ташқи ва ички хавф-хатарларининг бартараф этишга қаратилган фаолияти орқали амалга оширади. Айни вақтда фуқаролар ўз давлатини кўз қорачиғидай асраш ва ҳимоя қилиш асосидагина ўз эркинликларига эришадилар. Шу сабабли фуқаролик жамиятини қамраб олувчи давлатда миллий ғояни давлат таркибида фаолият

юритувчи барча ижтимоий гуруҳ ва шахслар мафқурасида марказий ўринда туриши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да “Маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтириш”<sup>27</sup> таклифлари илгари сурилди. Бу вазифани ҳал қилишда фуқаролик жамиятининг асоси бўлган маҳалланинг нуфузи мавқеи, ўрни ва аҳамиятини ошириш, унга кенг ҳамда кўпроқ ҳуқуқлар бериш катта аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат ёки бошқача қилиб айтганда, бу “кучли давлатдан кучли жамият сари” деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этишдан иборатдир.

---

<sup>27</sup> Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.,2010 й

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 58-модда. Т, 2011 й.
2. И. Каримов. “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда”. Т. 2000-й 223-бет.
3. Каримов И. “Бунёдкорлик йўлидан”. 4-том. –Т., 1996 й. 80 б.
4. Каримов И. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”. 3-том. –Т, 1996 й. 363 б.
5. Каримов И. “Ҳозирги босқичда демократик ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари”. Т, 1996 й. 26-27 б.
6. Каримов И. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т, 2008 й. 126 б.
7. Каримов И “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т, 1997 й 173 б.
8. Каримов И. “Ўзбекистон буюк келажак сари”. –Т., 1998 й. 409 б.
9. Каримов И. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маъруза”. 2010 й. 12 ноябрь. –Т., 3 б.
10. Каримов И. “Кучли давлатдан кучли жамият сари” давра суҳбати. “Халқ сўзи”, 1999 й. 4-февраль
11. Аъзамжон Гадоёбоев. “Ҳақ йўли – ҳақ йўл”. Т 2004-й. 130-бет.
12. Хайруллаев М. “Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари”. –Т. 1971 й. 251 б.
13. Джаббарова И. “Фуқаролик жамиятининг тарихий ахлоқий асослари”. “Фуқаролик жамиятида демократик қадриятлар: муаммо ва ечимлар “мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. ТДТУ. Т. 2011 й, 38 б.
14. А,Т. Азизхонов, О. Р, Мусаев. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”. Т. 2001 й.
15. Қирғизбоев М. “Фуқаролик жамияти”. “Ёшлик” журнали, 1996 й. 6-сон. 3-4 б.
16. “Халқ сўзи” 1999 й. 12-февраль. Ҳаким Саттаров, “Камарбасталик” мақоласи.